



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 18 (13.351)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов Ватанимизни мустақил тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк йўлбошчимиз гоёт қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожлантирган замонавий демократик давлатга айлантди.

Ислам Абдуганиевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олган Биринчи Президентимизнинг сўнмас хотирасини абадийлаштириш бўйича вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мамлакатимиз фуқароларидан кўплаб тақлифлар тушмоқда.

Халқимизнинг самимий тилаклари ва хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнақи йўлидаги буюк тарихий хизматларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислам Абдуганиевич Каримовнинг эркин хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

2016 йил октябрь ойида Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилгани;

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасида жойлашган жоме масжидга "Ислам ота жоме масжиди" деб ном берилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда "Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилингани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари режасини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқсин.

Шу муносабат билан куйидаги вазифалар топширилсин: Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуасини барпо этиш;

тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов сиймосини яратиш бўйича халқаро ижодий танловда голиб деб топилган ҳайкаллари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Ислам Каримов туғилб ўсган Самарқанд шаҳрида ва у киши биринчи раҳбар бўлиб ишлаган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўрнатиш;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари биргаликда: Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оксарой қароргоҳида (Ўзбекистон кўчаси, 45) Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фондиди ҳам

ушбу манзил бўйича жойлаштириш; Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов музейини ташкил этиш; куйидаги муассаса ва объектларга: Тошкент давлат техника университетига; Асака шаҳридаги автомобиль заводида; Фарғона шаҳридаги Санъат саройига; Тошкент халқаро аэропортига;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тақлифлари асосида) Ислам Каримов номини бериш; ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд толган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира кунини сифатида ёд этиш. Ушбу саналар муносабати билан оммавий ахборот воситаларида Ислам Каримов ҳаёти ва фаолиятини кенг ёритиш;

олий ўқув юртлири талабалари учун Ислам Каримов номидаги давлат стипендиясини жорий этиш;

Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий ва бадий асарлар, ҳужжатли ва бадий фильмлар яратиш;

Ислам Каримов сиймоси акс эттирилган махсус почта маркаларини чиқариш.

3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирлар кенг ёритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 25 январь

## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини масида мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, адлия бошқармаси, сиёсий партиялар, Хотин-қизлар қўмитаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси чуқур муҳокама этилиб, тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Эксперт ва мутахассислар томонидан демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга қаратилган устувор йўналишлар муҳокама этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб номланиши фуқаролик жамиятини ўрганиш институтлари ва сиёсий партиялар зиммасига ҳам катта масъулият юклади, – дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси бош мутахассиси Бехзод Султонов. – Бу борадаги вазифаларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш мақсадида институтимизда аҳоли билан мулоқот қилиш ва турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган янгича механизмлар, самарали усуллари жорий этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини янада ривожлантириш борасида аниқ дастурлар ишлаб чиқарилмоқда.

Давра суҳбатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

А.КИЁСОВА,  
ЎЗА мухбири

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ДЕПУТАТЛАР ПРИНЦИПАЛ ЖИҲАТДАН МУҲИМ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

25 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги фаолияти яқунларини ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент кўйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар олдидан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экология ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама қилинган эди.

Парламент кўйи палатаси аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йилдаги фаолияти яқунларини муҳокама қилишдан бошладилар. Палатанинг ҳисобот давридаги фаолияти танқидий баҳоланди, депутатларнинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати каби муҳим йўналишлардаги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Ўтган йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинганлиги таъкидланди. Хусусан, "Парламент назорати тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги, "Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Назоратга оид ваколатларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар бажарилди. Ҳокимият ижро этувчи тармоқи вакилларининг, шу жумладан, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир қатор раҳбарларнинг бажарилган ишлар ва истиқболга мўлжалланган режалари тўғрисидаги ахборотининг эшитишлари ўтказилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш келгусида Қонунчилик палатасининг жорий фаолиятида устувор йўналиш бўлишини таъкидладилар. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик депутатлар корпуси фаолиятининг асосий принциплари бўлади. Шунингдек, ишларнинг ҳолатини шахсан ўрганиш ва аҳолининг зарурий эҳтиёжларини ҳал қилишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида депутатларнинг жойлардаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Парламент кўйи палатаси депутатлари ўз ишларини "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш билан давом эттирдилар.

Депутатлар таъкидлаганларидек, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат органларининг иш юритишда бўлган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқилишини судлар ваколатига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини муҳофаза этишда суд ҳокимиятининг ролини оширишга, маъмурий ишларнинг ушбу тоифаларини кўриб чиқиш чоғида беғаразлик ва ҳолисликни таъминлашга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар эътиборига Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонунига ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда тақдим этилди. Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда банкротлик тўғрисидаги ишда келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ҳўжалик судининг апелляция инстанцияси чиқарган қарорлар касация ва назорат тартибиде қайта кўриб чиқилмайди. Бу эса, ўз навбатида, кредиторлар ва қарздорларнинг юқори турувчи инстанцияларга судларнинг қарори устидан шикоят қилиш борасидаги ҳуқуқларини чеклайди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мазкур чекловни бартараф этиш имконини беради ҳамда кредитор ва қарздорларга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда кўпроқ эркинлик яратади. Муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисида парламент аъзолари Қонунчилик палатаси ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

**XXI саҳоси**  
аср  
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоийда 2016 йил яқунлари ва 2017 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

• Зангиота туманида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун берилаётган имтиёзлар мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган семинарда бошқарма масъул ходимлари, вилоят прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирок этди.

• Нукусда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Бухоро давлат университетида туризм факультети очилди. Факультет базасида туризм соҳаси субъектларида фаолият юритаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам кўзда тутилмоқда.

• Жиззахда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан "Аждодлар мероси – келажак пойдевори" лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳани амалга оширишда уюшмаган ёшлар, тарбияси оғир ўсмирлар ўрта-сида маънавий-маърифий ишларни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Саёҳатга ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашлари тавсияси билан вилоятнинг барча ҳудудларидан кам таъминланган оилалар фарзандлари ва тарбияси оғир ўқувчилар жалб этилди.

## ЖАҲОНДА

• Пекиндаги 6 миллионга транспорт воситаси йилига атмосферага чиқарилган зарарли моддалар миқдори 500 минг тоннани ташкил этаётганлиги боис Хитой пойтахтида 2018 йилдан атмосферага кўп тутун чиқарувчи автомобилларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

• БМТ Европада кузатилаётган каттиқ совуқ боис минтақадаги қочқинлар аҳолидан ташвишга тушди. Зеро, қочқинлар вақтинчалик қодирларда иссиқ жой ва иссиқ овқатсиз мураккаб шароитларда яшамоқда. Совуқдан ўлим ҳолатлари сони тобора ортаётди. Ёш оғир ҳолат Грецияда кузатилмоқда. Бу ерда минглаб муҳожирлар, жумладан, ёш болалар қаҳратон совуқдан оддий қодирларда жон сақламоқда.

• "HIS Markit" тадқиқот компанияси таҳлилларига кўра, ўтган йили дунё миқёсида 4 миллиард донга смартфон сотилган. Шунга мувофиқ одамлар орасида мобил илова дастурларига бўлган қизиқиш ҳам тобора кучайиб, яқунланган йилда смартфонлардан фойдаланувчилар ана шундай дастурларни юклаб олишга 54 миллиард доллар маблағ сарфлашган. Тадқиқот натижаларига кўра, 2020 йилга бориб, бир йилда сотиладиган смартфонларнинг сони 6 миллиардга етади.

• Хитойнинг Шэньян шаҳрида водород ёнилғисида ишлайдиган электр двигателли икки ўринли RX1E кичик самолётининг синовлари муваффақиятли ўтди. Синов парвозида самолёт 320 метрга кўтарилиб, янши техник кўрсаткичларини намоён этди. Энг муҳими, водород ёнилғисида ҳаракатланадиган бундай самолётлар атроф-табиий муҳитга зарарли моддаларни чиқармайди.

Буюк инсон хотираси

КЕЧИККАН МАКТУБ

Инсон умри давомида қанча-қанча одамлар билан учрашади, қўллар, йўллар бирлашади, айро тушади. Ажабки, кўнглида бир умр сақланиб қоладигани жудаям кам бўлади.

Кўлга қалам олиб, энг инжа, самимий туйғулар қозоғга тўкилса, дил тубида асраб-авайлаб келаётганингиз изхорнинг соҳибни ана шу кўнглига яқинлар бўлади. Туйғулар мактуб шаклига кириб, ўшал яқинингизга етиб боришдан умидвор бўласиз. Аммо мен кечикдим. Кечикиб қолдим. Ҳаётимнинг энг гўзал дамлари, шу даражага етганим учун Сизга миннатдорлик билдиришга улгуролмадим. Сизга ёзган мактубимни беролмадим... Мана ўша мактуб:

"Ассалому алайкум, муҳтарам Ислон Абдуғаниевич! Сиз Ўзбекистон ёшларини жонингиздан ортиқ яхши кўрасиз. Қаерда, қандай анжуман бўлмасин, ёшлар ҳақида гурурланиб гапирасиз. Соғлом ва бўйчан, кўзлари ёниб турган ўғил-қизларни кўрганда ҳаммадан кўп хурсанд бўласиз. "Сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман. Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!" дегиниз. Бунчалар юксак ишончингиз, қалбингиздан тошган меҳрингиз гоҳи ҳайратга солса, гоҳи ўятдан бошимизни эгиб кўяди. Оқлоғимизни ўзи? Биздан кўнглингиз тўлқинми?"

Жавобини биламан. Ҳаммаси аён. Лекин Сиз барибир бизнинг, фарзандларингизнинг айбига қў юмаверасиз. Меҳрингиз, ишончингизни бир дам сўяйтмайсиз. Бизга қанот бағишлайсиз. Ёш бўла туриб, гайрат-шижоатни Сиздан оламиз. Эртанги кун бизники эканидан масъулият туямиз. Қарздорлик, жавобгарлик ҳисси бизни мудом ҳаракатга, қучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишга ўндайди.

Биз Сизнинг фарзандингизмиз. Сизнинг болаларга, ёш авлодга эътиборингиз оғушида камолга етгилми. Сизга муносиб бўлиш – Сизга ўхшаб Ватанин севиш, уни ҳимоя қилиш, дунё илмларини билиш, қомил инсон бўлишга интиламиз. Ишонинг. Бу сўзлар бир қизингизнинг Сизга ваъдаси."

Ваъда беришга шошилган эканман. Мудҳш ва муқаррар кун келишини қақдан билай. Бирдан ҳазинамнинг ярми бўшаб қолди. Кўнглидагиларни қозоғга тушироққа-да юрак ёр бермади, татмади, сизмади. Сиз дунёга сизгаман палла бундай сўзлар юракка сизгамиди?! Вақтинг даволаши ёлгон экан-да. Хотиранинг, муҳаббатингиз изини вақтдек қудратли куч ҳам ўчиролмас! Ҳаёлимдан ўтаётгани фақат шу сўзлар: "Бобожон, энг оғири ва уятлиси озилик экан. Билиб, сезиб, ўртаниб, жонингиз берилганигиз кел кетаркан-у, тақдирга тан беришдан, сўют саклашдан ўзга чоранг қолмагани... Биринчи марта шифокорлик касбини танламаганимга ич-ичимдан афсусландим. Сизнинг жонингиз мен ожининг чекига тушиб қолмаган бўлса ҳам, қўлимдан ҳеч иш келмай, томошабингина бўлганимдан қанчалар уялаётганимни, армонда қолганимни билсангиз эди. Бу кечинмалар бутун ўзбек халқининг кўнглидан кечаётганига шубҳа қилмайман.

Ахир бирор киши йўқки, ота-онасининг, жонжигарларининг, қадри баланд кадрдонларининг кун келиб уни манғуга тарқ этиши ҳақида ҳаёлаган бўлса. Уларни сира ўлмайди, ҳаммиша ёни-мизда қалқон бўлиб туради, деб ўйлайди. Омонат экани сира ёдига келмайди. Шу сабабми уларни қадрлаш, меҳрига жавоб қайтариш, шодлик улашишни кейинга сураверади. Тўсатдан сира ўлмас деб ўйлаган кишиси омонатини топширадими-ю, шунда кўзи очилади одамизотинг.

Сиз бир дунё эдингиз. Мусаффо осмон. Сиз қурган бинолар, йўллар, машиналар, китоблар ва Сиз севган халқ – бутун Ўзбекистон Сизни эслайтиб туради. Сизни Ўзбекистон дегим келади.

Бобожон, ранжисангиз ҳам, шу кўнларда ҳисларим ақлимдан устун келаяпти. Таскин излаб, "Инсон ҳаётида шундай давлар бўладики, шахсий дард-аламлар юки уни эзиб ташлайди, руҳий ёки жисмоний дарддан дунё қоронғу бўлиб кетади. Бундай пайтларда фақат катта юрак, буқилмас ирода эгаларингиза ўзини унуттишга қодир бўлади", деган ўғитингизни қайта-қайта ўқияман.

Сизга айтмоқчи бўлган гапларим кўп эди. Харгал нутқингизни тинглаганимда, "Ислон Абдуғаниевич! Қани энди ўзбекининг барча йигитлари Сиздек мард, доно ва жасур бўлса эди! Ўзбекистон янада буюк бўларди!" деб кўнглимдан ўтка-завераман.

Йўқ. Сиз барҳаётсиз! Қаёққа қарамайлик, Сизни кўрамай. Ана, ўнг қўлингизни баланд кўтариб, қулиб турибсиз. Қиёфангиздан: "Эй, болам, сенинг Ватанинг битта – барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингизнинг хоҳи шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафакат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ", деган маъно уқаман.

Яна бир суратингиздаги ўткир нигоҳга дош беролмай, кўзимни бошқа ёқларга олиб қочаман. "Барака топгур, нега ёнмайсан? Мен сенга ўхшаган ёшларга ишонганимиз Ўзбекистонимизми?" деган дақиқ эшитаётгандек бўламан. Қийналаман.

Панд-насихатларингиз қулоғим остида жаранглайди: "Мен ёшларимизга, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон қарчаманлар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? Ўрганиш, ўрганиш ва ана бир бор ўрганиш керак. Касб ўрганиш, илм ўрганиш киши, ўзбекона айтганда, ҳеч қачон кам бўлмайди."

Ислон Абдуғаниевич! Ўрганамиз, интилами! Ҳеч қимдан кам бўлмайми! Сиз орзу қилган ёшлар майдонга чиққан. Миллионлаб қалбларга чўг ташлаган Сўзингиз алунок олмақда. Буюғи яқин, буюғига келаганимиз буюк бўлажак.

Севара АЛИЖОНОВА

Хонага бўйчан, қотмадан келган, кўринишдан ҳорғин бўлишига қарамай, кўзлари тийрак бир киши кириб келди. Салом-алиқдан кейин бироз ўйланиб турди-да босиқ овозда гап бошлади.

– Бу воқеани, бу яхшиликни одамларга, керак бўлса оммага газета орқали хикоя қилмасам, умрим армонда ўтиши тайин, – дея сўз бошлади ўзини Қашқа воҳасининг Чирокчи туманидан келганини айтиб, тракторчилик қилишини, исми-шарифини Муҳаммадғози Қўлдошев эканини таъкидларкан:

– Тақдиринга келишимдан асосий мақсад буюк инсон, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов номини ана бир бор ёд этиб, хотирасига ҳурмат бажо айлаш баробарида у кишининг оила-шига сабаб бўлган савий-ҳаракатлари учун чин дилдан миннатдорчилик изҳор этишдан иборатдир, – деди юзига нимтабассум югурганча.

– Қани, эшитайлик, бир бошдан сўзлангчи, – деб меҳмоннинг ҳикоя-

бўлмайди... мана, кўрасиз ўғлингиз "Серёжа" тўзалиб, сиз унинг роҳатини кўрасиз. Тўйига бизларни ҳам айтишни унутманг", деб мени юпатиб, аҳолимни тушуниб, таскин бердилар.

Манзилга етгач, йўл ҳақи деб, йиғирма беш сўм берсам, у киши қўлимни қайтариб, мана бунинг олинг, қорхайрингизга ишлатарсиз, деб бир юз йиғирма беш сўм узатдилар. Хайрон бўлиб, у кишига миннатдорчилик билдириб, дунёда шундай одамлар ҳам бўларкану... деб, севина-севина отамни олиб, шифохонага келсам ахвол ўзгача, одамларнинг қарашини ҳам бўлакча. Ҳамма даврага олиб, саволга тутишади.

– Вилот беш раҳбари билан учрашибсиз. Шу рости?

– Таниш-билишим ё қариндошим?

ОДАМИЙЛИК – УЛУҒ ФАЗИЛАТ

сини, унинг фикрини бўлмай тинглашига ҳаракат қилдик.

– Ўша кунни сира унутолмайман, – бир тўхтаб, бир ўйланиб гап бошлади у. – Кечагидек эсимда. Воқеа бундай бўлган эди. 1987 йилнинг баҳорини қийинга ўхшайди... ана бир-икки соатли умри қолган. Яхшиси уйингизга олиб кетганингиз маъқул", деб қолса бўладими?! Мен бўғилиб, нафасим қайтиб, ўзимни кўчага отдим. Нима қилишни билмайман, бошим қотган. Нахотки, етаклаб келган боламни кўтариб кетсам, деган ҳаёл бошимни чулғатган. Ҳа, нима бўлганда ҳам отамни қишлоқдан олиб келмас бўлмайди, деган фикрда елиб турган машиналарга қўл кўтара бошлади. Фигоним ошган, кўзимда ёш. Шунда бир машина тўхтаб, ўша тарафдан "Ўтиринг" деган овоз келди. Елиб бораётимиз. Бундай пайтда бир оғиз ширин сўз, меҳри нигоҳ бошингизни силагандан афзал бўларкан. Машина ичи ним қоронғи эди. Мен ҳайдовчи ёнида ўтирибман, орқадан эса сўзларимни тинглаб, дардимни эшитиб ўтирган инсон кўнглимни кўтариб, "...ҳаммаси яхши бўлади, Оллоҳдан қолманг, Худо деган кам

Менинг эса ақлим шошган. Йўғе, нималар деярсизлар дейману, ўйга толаман. Кейин билсам, ўша машинадаги меҳрибон инсон Ислон Каримов эканлар. У киши вилот шифокорлари, ҳатто Тошкентдан одам ёллаб, ўғлимга яхши қараш ҳақида йўл-йўриқлар берган эканлар. Шифохонага кирсам фарзандим анча тийрак. У тез кунда тўзалиб, ўйга олиб кетдим.

Ўзим узоқ йиллар меҳнат қилиб, Хисорак ва Қалқима сув омборлари қурилишларида ишладим. Олти фарзанд, тўққиз набаирли бўлдим. Биринчи Президентимиз таъбирлари билан айтганда, Серёжа 2007 йили ўйланди. У киши мени тўйга айтасиз дегандилар. Тўйдан аввал Тошкентга бориб, "таклифнома" ташлаб келдим. Тўй кунини эса туман ҳокими тўрт нафар бўлиб келиб, "Президент совғаси – чўгдек гилам"ни ҳаммамнинг олдига тантанали равишда топширди.

Бу воқеа нафакат мени, балки Додик қишлоғи, қолаверса, Чирокчи ахлини беҳад қувонтирди. Мана сизга оталарга ҳамқўрликнинг арқини намунаси, мана сизга меҳри дарёликнинг инсонийлик фазилати. Ўша машинада кўрсатилган меҳр-мурувват мен учун бир умрлик севинч, унутилмас воқеа бўлиб қолган...

Отаҳон ҳикоясини оққа кўчирувчи Мафтуна МИНГБОЕВА

ТАДБИРКОРЛИК МУТТАСИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, тадбиркорлар иштирокида очиқ мулоқотнинг галдагиси Чилонзор туманида бўлиб ўтди. Унга шаҳар ва туман миқёсидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда назорат қилувчи идора вакиллари, ишбилармонлар таклиф этилди.

Йиғилишни Чилонзор тумани ҳокими Т.Мирҳидоятлов олиб борди. Дастлаб сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Хусанов ўз чиқишида ҳуқуқматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётганини таъкидлади. Инчунун, кейинги икки-уч ой давомида соҳани ривожлантириш билан боғлиқ иккита Қонун, иккита Президент Фармони, бешта Вазирлар Маҳкамасининг қарорига ўзгаришлар киритилди.

Айтиш жоизки, ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг иқтисодийдаги улуши 80-85 фоизни ташкил этмоқда. Республикада бу кўрсаткич 60 фоизга етди. Тошкент шаҳрида эса 58 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган йили Тошкент шаҳрининг ўзида 7 ярим мингдан зиёд корхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари 12 мингга яқин яқка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини бошлади. Демак тадбиркорлик муттасил ривожланипти. Бу соҳани янада тараққий эттиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Тошкент шаҳар прокурори Б.Қудратхўжаев ўз чиқишида асосий эътиборни Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятига қаратди.

тадбиркорлар бирин-кетин ўзларини қизиқтирган саволлар билан муносабат қилишди.

– Бир неча йиллардан бери тикуччилик фаолияти билан шуғулланиб келамиз. Тикув шехимиз бор, аммо жойимиз торлик қилмоқда. Шунга Тошкент шаҳрида бўш жойлардан бирини ажратиб берсаларингиз нур устига аъло нур бўларди. Янги дастгоҳлар олиб келиб, қўшимча иш ўринлари яратган бўлардик, – дейди тадбиркор Тўлқин Халилов.

Ер ажратили, кредит бериш, нақд пул олиш ва шу каби бошқа масалалар бўйича тадбиркорлар кўлаб саволлар билан шаҳар раҳбарларига муносабат қилишди. Муаммолар шу эрининг ўзида назоратга олиниб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Бу каби очиқ мулоқотлар Шайхонтоҳур ҳамда Юнусобод туманларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ўртага ташланди.

– 2012 йилда боғча ёшидаги болаларни ақлий-жисмоний соғломлаштириш мақсадида Ўқув марказини очдим. Айни пайтда 50 га яқин киши шу ерда иш олиб бораёпти, – дейди тадбиркор Хилола Йўлдошева. – Айни пайтда менга фаолиятимни кенгайтириш учун нол қийматидаги жой керак. Шу масалада мутасаддиларга муносабат қилдим, улар бу масалани ўрганиб, жавоб беришни билдиришди. Келгусида тадбиркорликни янада ривожлантириш мумкин.

Юнусобод туманида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда тадбиркорлардан Сайфулла Темиров, Зулфия Шермухамедова, Абборқўжа Махмудов ва бошқалар ўзларини қийнаётган масалалар билан муносабат қилишди. Барча саволларга шу эрининг ўзида масъуллардан жавоб олинди.

Яккасарой туманида фаолият кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари билан бўлган учрашув кўтаринкиликда ва самарали ўтди. Очиқ мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

Таъкидландики, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислон Каримов томонидан иқтисодий ривожлантиришга ҳар томонлама эътибор қаратилди. Кичик бизнес тараққий топди. Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соҳани янада ривожлантиришга кескин эътибор берилмоқда. Бунинг учун бу йўлдаги барча тўсиқ, ғовлар олиб ташланапти. Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги Фармони бу борада янги чора-тадбирларни белгилади. Фуқаролар муносабатларига эътибор ўзгарди, юридик хизмат фаолияти такомиллаштирилмоқда. Демак, даврнинг ўзи ҳаётга бўлган муносабатни ўзгартирмоқда.

Яккасарой туманида бугунги кунда 4748 та ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 4636 таси ўз фаолиятини давом эттирмоқда. 2016 йил мобайнида туманда 1111 та янги субъектлар ташкил топган ҳамда туман бўйича 81 та фаолият тўхтатилган тадбиркорлик субъектлари қайта тикланиб, уларда 260 та янги иш ўринлари тикланган.

– Ушбу очиқ мулоқотдан ўзимизга тегишли хулосалар қилдик, – дейди тадбиркор Музаффар Тилаов. – Айниқса, Бош вазир ўринбосари Р.Азимовнинг фикрлари, бевосита муаммоларга муносабати мени қониқтирди.

Бош вазир ўринбосари мамлакатимизнинг иқтисодий потенциали, молия тизими, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтди. Хулоса қилиб айтганда, пойтахтимизнинг барча туманларида бўлиб ўтган очиқ мулоқотларда бир ярим мингдан ортиқ тадбиркорлар иштирок этиб, қонунчиликдаги янгиликлардан бохабар бўлишди, қайсидир маънода муаммоларини ўртага ташлаб, уларга ечим топди.

Ўйлашимизки, тадбиркорлар билан бўлган бу каби мулоқотлар уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

З.ШАРИФЖОНОВ

СУД-ҲУҚУҚ ИСТИҚБОЛЛАРИ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Мамлакатимизда жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинишини ташкил этиш, қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан одамларнинг хабардорлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёндаги ишларга оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Соҳа вакиллари ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан "Суд-ҳуқуқ ислохотлари журналисти нигоҳида" кўрик-танловни эълон қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий судида мазкур танловнинг голлиблари тақдирланди.

Тадбирда мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар неғизда, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга қаратилган эзгу мақсад муваффақлиги таъкидланди. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуруламал бўлаётир.

Фармонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Мазкур асосий устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида фаолиятнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини кенг қўллаш белгилаб қўйилди.

Мазкур кўрик-танлов ҳам судлар фаолиятининг очиклигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ҳамда янги қабул қилинган қонун ҳужжатларини тарғиб қилишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Танловга мамлакатимиздаги нуфузли оммавий ахборот воситалари томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор этишга қаратилган 300 га яқин ижодий иш келиб тушган.

Танловда "Энг яхши мақола", "Энг яхши телекўрсатув", "Энг яхши радио эшиттириш", "Энг яхши интернет материал" номинациялари бўйича голлиблар аниқланиб, улар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Г.САТТОРОВА

ИШБИЛАРМОНЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бугун Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлар учун жуда катта имкониятлар эшигини очди. Ушбу фармон қабул қилингандан кейин унинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида жойларда бир қатор учрашувлар ташкил этилди.

Биргина Юнусобод туманида бугунги кунда 4 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боради. Улар ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини ривожлантиришга эътибор қаратмоқда. Албатта мазкур фармон соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилади. Фармондаги асосий ҳужжатлардан бири бу 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилингандир. Юридик шахслар тўғрисидаги қонун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар фаолиятда қонун бузилиш ҳолатлари бўйича берган муносабатларни асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказилган қисқа муддатли текширишлар олиб борилиши мумкин.

Фармонда яна бир эътиборга молик масала, яъни, молия ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрли равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарар қолган тақдирда, (инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказилган ҳолатлар бундан мустасно) маъмурий ва жиноий жавабгарликдан, жаримлар ва молиявий санкциялар қўлланилишдан озода этилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Демак, тадбиркор бўлиш билан инсонга ҳар томонлама йўл очик. Бироқ, бундан тадбиркорлар энди билганимизча ичи юртимизда, деб тушунмаслик керак. Фақат тегишли рўйхатдан ўтиб, белгиланган солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонун асосида фаолиятни кенгайтириш мумкин.

Юнусобод туманида жойлашган "MEGAPLANET" савдо мажмуасида бўлиб ўтган тадбиркорлар билан бўлган очиқ мулоқот йиғилишида мана шу йўналишлар ва имтиёзлар мутахассислар иштирокида батафсил тушунирилди. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши бугунга келиб 60 фоизни ташкил этмоқда. Келгусида бу кўрсаткич 80-85 фоизга етишига ҳаракат бошланди. Бунинг учун тадбиркорлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга қонуний йўлни кўрсатиб бериш лозим.

Нодир АГЗАМХЎЖАЕВ, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Юнусобод тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

**Чилонзор туманидаги 90-умумтаълим мактабида Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси ҳамда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Чилонзор туман Кенгаши ҳамкорлигида "Касаба уюшмалари фаолиятига оид қонунларга киритилган ўзгаришлардан келиб чиқадиган вазифалар" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

## МЕХНАТ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА КУЧАЯДИ

Мехнат муҳофазаси йўналишидаги ишларнинг тизимли йўлга қўйилиши корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратишнинг муҳим омилларидан биридир. Шу боис бугунги кунда ходимларга яратилган меҳнат шaroитлари, меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларига риоя қилиш бўйича жамоатчилик назорати юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг мутахассислари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Чилонзор туман кенгаши аъзолари, тумандаги мактаб, мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, корхона ва ташкилотларнинг касабаси уюшма кўмиталарининг раислари қатнашди.

Тадбирни кириш сўзи билан очиб берган Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси Ў.Қаҳҳорова мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур шарт-шaroит яратиш, касабаси уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар яхши натижаларни бераётганини таъкидлади.

Ингилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Н.Эшметова, шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Р.Маҳмадалиев "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги ва янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, амалда тadbик этишнинг долзарб вазифалари ҳусусида сўз юритишди.

— "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-меҳнат соҳасида касабаси уюшмалари фаолияти эркинлигининг кафолатлигини таъминлашга хизмат қилади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси Ў.Қаҳҳорова. — Шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга, ижтимоий-меҳнат соҳасида қонунийликни таъминлашга ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга кўмаклашади. Бу эса иқтисодийнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилганини кўрсатади. Ўтган давр мобайнида Кенгашимиз асосий эътиборни бошланғич ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, ташкилий ва маданий-маърифий ишларни яхшилашга, шунингдек, уларнинг фаолиятлари самарадорлигини ошириш масалаларига қаратди.

Тадбирда меҳнат муҳофазасига оид бошқа маълумотлар, касб касаллиқларининг олдини олиш, иш берувчи ҳамда ходим ўртасидаги муносабатлар тўғрисида атрофлиқа маълумотлар берилди.

Давра суҳбати якунида очик мулоқот тарзида савол-жавоблар ўтказилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича тўлиқ маълумотларга эга бўлишди.

Зиёда РАСУЛОВА

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ЮРТ ҚУВОНЧИ

**Мамлакатимизда, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тубдан таъмирлаш, зарур техник жиҳозлар, ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш масалалари доимий эътибордадир.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатини ошириш, муассасаларда болаларни мактабга тайёрлаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий алтернатив таълим дастурлари ва улар асосида замонавий ахборот ҳамда педагогик технологиялар мувофиқ таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни назарда тутди. Ушбу қарор мактабгача таълим соҳасини янада ривожлантириш, хусусан малакали педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан биргачи рағбатлантириш орқали соғлом рақобатни шакллантириш каби вазифаларни ҳам ҳал қилиши бизни қувонтирмоқда.

Айниқса, қарорда мактабгача таълим муассасаларидаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ишларининг қамраб олинганлиги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни

овқатлантириш, соғломлаштириш ишларига янгиликлар киритилишини таъминлашни алоҳида таъкидлаш лойиқдир.

Замонавий мактабгача таълим муассасаси педагогларнинг зиммасига ҳам улкан вазифаларни юклайди, яъни болаларни мактаб таълимига тайёрлашда машғулотларни замонавий ахборот ва педагогик технологиялар каби инновацион усулларни кенг қўллаган ҳолда ташкил этиш, болаларга эртақлар ўқиб бериш орқали илк ёшдан уларни бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини барвақт уйғотиш ҳамда нафақат боғчада, балки оилада ҳам ота-оналар билан ҳамкорликда мазкур ишларни давом эттириш учун ҳам зарурий адабиётларни таъминлаш, шунингдек, муассасада кичик кутубхоналарни ташкил этиш бўйича йуриқномаларнинг ишлаб чиқиши ҳам назарда тутилди. Шу ўринда пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 560-сонли махсус мактабгача таълим муассасаси жисмоний ва ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда жами 146 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Муассасадаги таълим-

тарбия жараёни тиббий-коррекция йўналишида ташкил этилган бўлиб, унда дефектолог, психолог, болалар шифокори, невропатолог, ўқувчи, сузиш ва жисмоний тарбия мураббийлари, тарбиячи ва хамширалар ҳамкорликда, ҳар бир болага индивидуал ёндошганликлари натижасида тарбияланувчилар соғлиги тикланиб, уларга бахтли болалик насиб этмоқда.

Таълим муассасасида тарбияланувчилар учун барча қулайликлар яратилган: гуруҳ хоналари, махсус зал, ички бассейн ва физиотерапия хоналари замона талаблари асосида жиҳозланганлиги болаларнинг кайфиятини кўтаришга ёрдам бермоқда. Тарбияланувчилар билан машғулотлар мунтазам равишда олиб борилиши натижасида, мустакил равишда шеър-қўшиқ ёдлаб, расм чизиб, рақсга тушаётганлиги ота-оналарни қувонтирмоқда.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси ўзининг устувор стратегик режисини белгилаб олган.

Фарзандлар саломатлиги ота-она учун ҳамма нарсадан улук ва қимматлидир. Зеро шундай экан, болажонларга эътиборли бўлиб, ундаги ўзгаришларни таълим муассасалари мутахассислари кўмагида кўриб, таҳлил қилиш келажақда ўз натижасини беришига ишонамиз.

**Дилрабо СУЛТАНОВА,**  
**Юнусобод туманидаги**  
**560-сонли махсус**  
**мактабгача таълим**  
**муассасаси мудираси**



## Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

### ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

**П.Боровский номидаги тиббиёт коллежида "Янги йилда янги гоёлар билан" мавзусида тарихот тadbiri ўтказилди.**

"Камолот" ЁИХ Миробод туман Кенгаши "Ёш тadbirkор" консултатив маркази томонидан ташкил этилган тadbир битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, уларда тadbirkорлик кўникмаларини шакллантириш, давлатимиз томонидан ёшларга ушбу соҳада яратилаётган кенг имкониятлар билан таништириш мақсадига қаратилди.

Тadbирда сўз олган "Камолот" ЁИХ Миробод туман Кенгаши раи-

си Мардон Файзуллаев, коллеж директори Лутфи Юсупова ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тadbирлар ўз самарасини бераётгани, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш, тadbirkорларга яратилаётган имконият ва имтиёзлар натижасида Ватанимиз тараққиётига ўз хиссасини қўшаётган ёшлар сонини кўпайётганини таъкидлаб ўтишди.

Тadbир давомида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес гоём" ва "Ёш тadbirkор – юртга мададкор" лойиҳалари юзасидан фикр алмашилди. Танловни ўтказиш тартиби ва қоидалари ҳақида ўқувчиларга маълумотлар бериб ўтилди. Тadbirkорликка қизиққан ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. (Ўз мухбиримиз)

## Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

### ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "иш-сиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шaroитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 6 январдаги 12-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида 2017 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.
2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи ташкилотлар раҳбарларига: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблаглари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жағғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилсин; туман Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.
3. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Т.Т.Дедамирзаев): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин; ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.
4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Ш.Асамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Шайхонтоҳур тумани тармоқ администратори (Н.Насириллаев): Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва [www.shayxontohur.tashkent.uz](http://www.shayxontohur.tashkent.uz) веб-сайтга жойлаштирилсин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммасига юклатилсин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими  
О.Миртемиров

2017 йил 18 январь

**Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг [www.tashkent.uz](http://www.tashkent.uz) сайти орқали танишиш мумкин.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎТА** **ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қатори, "Тошкентшаҳаргаз" филиали томонидан ҳам табиий газ истеъмолчилари билан яқиндан учрашувлар ташкил қилиб, газ етказиб бериш борасидаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш режалаштирилган. Шу сабабли, 2017 йил январь ойи бошидан Тошкент шаҳри табиий газ истеъмолчилари хонадонларида хатлов ишлари олиб борилмақда.

Сиздан ушбу хатлов жараёнида фаол қатнашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда биргалиқда ҳаракат қилишингизни сўраймиз.

**"ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ**

### "ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Диққат! Диққат! Диққат!

**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси, "Ko'shmas milk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичи ма босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилди!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади: Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Бинолардан фойдаланиш департаменти" ДУК балансидаги, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Темур ва Фидокор (собиқ Чехов) кўчалари кесишувида жойлашган қурилиши тугалланмаган турар жой бинолари қисмлари.

Бошланғич нархи – 60 147 210 400 сўм.

Балансда сакловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Бинолардан фойдаланиш департаменти" ДУК.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'shmas milk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1\*А-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт: [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz), электрон почта: [rielsavdo@inbox.uz](mailto:rielsavdo@inbox.uz), Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2017 йил 28 февраль кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1\*А-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2017 йил 16 март, 3, 18 апрель, 3, 19 май, 5, 20 июнь, 5, 20 июль, 4, 21 август, 6 сентябрь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олинган савдо ташкилотчиси "Ko'shmas milk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, х/р:

20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга бюртманомана қабул қилиш билдиришомана эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришоманада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказилади кун соат савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга бюртманомани икки нусхада тақдим этилди:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - аукцион тўғрисидаги билдиришоманада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1\*А-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: [rielsavdo@inbox.uz](mailto:rielsavdo@inbox.uz), Интернет тармоғидаги веб-сайт: [www.1kms.uz](http://www.1kms.uz), [www.gki.uz](http://www.gki.uz), [www.gkitorg.uz](http://www.gkitorg.uz). Хурматли тadbirkор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилгандаги ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

### "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилди!

2017 йил 14 февраль кун соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-уйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига жимоят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 16 июлдаги ҳукми асосида берилган №19516/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақдоран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01 155 ОАА, оқ рангли, носоз қўлағдаги "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳо-си 38 840 740 сўм.

2. 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01 627 QBA, сарик рангли, "SHACMAN SHANXI" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 244 765 000 сўм.

Автотранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 6-уй.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида беvosита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кун (дам оlish ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати бир иш кунини олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси- "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 2020800004959643001 АИТБ Ипотeka банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. [www.koss.uz](http://www.koss.uz) Маълумот учун телефон: +99898 308-19-57

Гувоҳнома 5477



Кўргазмалар

### ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида Республика Байналмилал маданият марказининг 25 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон - умумий уйимиз" мавзuida халқ амалий санъат асарлари ва фото кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А. Нуриддинов, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н. Муҳаммадиев ва бошқалар юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, миллатлараро дўстлик, дин-

лараро бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик ва тотувликнинг асоси бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Кўргазмада юртимизда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар фаолиятини акс эттирувчи санъат асарлари, фотосуратлар билан биргаликда турли миллат ва эллар маданияти акс этган амалий санъат намуналари, либослар, хунармандчилик ишлари намойиш этилмоқда.

миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз ёшлар бу ерда турли марказ вакиллари билан ўзаро мулоқотда бўлиб, уларнинг фаолияти ва олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлдик. Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган "Ўзбекистон - умумий уйимиз" VI дўстлик ва маданият фестивалининг голиблари муносиб тақдирланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Норбоева сўзга чиқди. Гулчехра ДУРДИЕВА

## ҲАМКОРЛИК ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университететида "Ёшлар келажигига ҳар биримиз масъулмиз!" шiori остида пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиларининг Тошкент шаҳар Форуми ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши, Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган форумда умумий ўрта таълим мактаблари директорлари ҳамда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди.

Мазкур форумни ўтказишдан кўзланган мақсад умумий ўрта таълим мактаби директорлари ҳамда бошланғич етакчилари ўртасида ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнлар, фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги сифат босқичига кўтаришдан иборатдир.

Тадбир давомида иштирокчилар Тошкент шаҳридаги мактабларда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини яхшилаш юзасидан мактаб раҳбарлари масъулиятини янада ошириш ва ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчиларининг касбий имижини, умумий ўрта таълим мактабларида тарбияси оғир, ички ҳамда ИИБ рўйхатида турувчи ўқувчилар билан ишлашнинг психологик асослари мавзуларида маърузалар тинглашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда пойтахтимиздаги мактабларда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, "Камолот" ЕИХ бошланғич ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш, юзага келадиган муаммолар ва тақлифларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбир интерактив усулда олиб борилди. Эътиборли жиҳати иштирокчилар келгусидаги ишларни самарали олиб бориш бўйича ўз тақлифларини билдирдилар.

Зарина РУСТАМОВА

### Спорт янгиликлари

Францияда теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилаётган "Andrezieux-Bouthéon - 2017" халқаро турнирида тажрибали спортчимиз Оқгул Омонмуродованинг омади чопди.

### ТЕННИСЧИМИЗ ФРАНЦИЯДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Ўзбекистонлик теннисчи саралаш турнирининг сўнгги учрашувида мағлубиятга учраганига қарамай, асосий турнир тўлиқ шаклда қўрға ташланганидан сўнг мусобақани давом эттириш имконига эга бўлди.

Омад туфайли мусобақага қайтган Оқгул Омонмуродова асосий турнирнинг дастлабки учрашувида ни-

дерландиялик Бибиана Шуфсга қарши кортга чиқди. Икки соатдан ортиқ давом этган беллашувда ўзбекистонлик ракетка устаси рақибидан 6:3, 6:7, 6:3 ҳисобида устун келди.

Кейинги даврада Оқгул Омонмуродова германиялик Тамара Корпатш билан рақобатлашди.

### ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИҒИНИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичи иккинчи даврасига тайёргарлик кўриш мақсадида БААнинг Дубай шаҳрида ўқув-машғулот йиғинини ўтказди.

Самвел Бабаян шогирдлари йиғин доирасида иккита ўртоқлик ўйинини ўтказишди. Дастлаб ёшартирилган таркибда ҳаракат қилган футболчиларимиз Дания олимпия термасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Иккинчи ўйинда эса терма жамоа Грузия билан 2:2 ҳисобида жанговар дурангни қайд этди.

Терма жамоага жалб этилган "Пахтакор" футболчилари БААда йиғинини давом эттираётган жамоадoshiлари сафига бориб қўшилди. Қолган футболчилар эса Тошкентга қайтиб келишди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионати саралаш босқичи 6-тур беллашувини 23 март кuni Сурияга қарши сафарда ўтказди.

Ботир ХЎЖАЕВ

### "ТО1"

## ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ЛОЗИМ

Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса каби, ёнғин ҳам кимнингдир лоқайдлиги ва бепарволиги оқибатида содир бўлади. Фуқароларнинг газ ва электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланишлари оқибатида келиб чиққан ёнғинлардан аҳолимиз ўз вақтида хулоса чиқараётганлиги эса янада таажжубланарли ҳолдир.

Одамлар ўз уйларидаги газ ва электр тармоқларида юзага келган носозликларга жиддий қарашлари, уларни ўз вақтида тузаттириб олишлари келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин хавфини анча камайтиради. Бу борада маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳудуд аҳолиси билан ҳамкорликда иш олиб боришса, янада яхши натижаларга эришиш мумкин.

Фахриддин КЎЛДОШЕВ, ИИБ ЁХБ кичик инспектори

Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлади. Шунинг учун ҳам ёнғин хавфсизлиги хизматида асосий эътибор айнан фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги бўйича профилактика ишларини кучайтиришга қаратилган.

Бироқ ходимларимиз томонидан қатор тадбирлар олиб борилишига қарамай, турли сабабларга кўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Улар асосан кишиларнинг лоқайдлиги сабабли юзага келади, ахир олов бепарволикни кечирмайди. Агар фуқароларимиз озгина бўлса-да масъулиятни ҳис этиб, барча қоидаларга риоя қилсалар, ўзлари ҳам, хонадонлари ва мол-мулклари ҳам омон қолади.

Ислом ХУСАНОВ, Учтепа тумани ИИБ ЁХБ муҳандиси, сержант

## ТЕХНИКА ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Хонадонда бузуқ ҳолдаги электр жиҳоз ишлатилса, очиқ қолган электр симларига беҳосдан тегиб кетилса, у ўзининг салбий томонларини намойён этиб, бир сониядан кам вақт ичида қайта тикланмайдиган фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, бизнинг маиший турмуш тарзига шиддат билан технологик янгиликлар кириб келмоқда. Бизнинг ишимизни енгиллаштиришга, вақтимизни тежашга, қулайликлар яратишга мослаштирилган бу маиший электр жиҳозларни танлашда, уларни тўғри ишлатишда ва сақлашда масъулиятли, эҳтиёткор бўлиш даркор. Хонадонимиздаги ишлайётган телевизор, магнитофон, чангитотчи, дазмолдан одатий бўлмаган товushлар эшитилса ёки уларнинг симлари шикастланса, ёқиб-ўчиргичлар ва уларнинг химоя қатламлари бузилиб, яроқсиз ҳолга келганда зудлик билан мутахассисга мурожаат этиш лозим.

Электр жиҳозларини олишдан олдин, унинг электр қуввати, сифат сертификати, истеъмол қиладиган ток ва кучланиши билан олдиндан танишиб чиқиш зарур. Масалан розеткага максимал токига нисбатан ортиқча ток юклаш унинг қизишига олиб келади.

Ўлкамизда қиш мавсуми бўлгани, кун қисқариб тушнинг узайиши сабабли электр энергиясидан уйд иситиш мақсадида қўшимча иситиш мосламаларидан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг олдини олиш учун уйингизнинг иситиш тизимини солаш, уйга кириш йўлакларидан эшик-ролларни мавсумга тайёр қилиш лозим.

Каерда бўлишингиздан қатъий назар ёнғинга сақланг, юзага келиши мумкин бўлган носозликларнинг олдини олиш биринчи навбатда ўзингиз учун фойдалидир.

Шоносир АХМЕДОВ, "Ўздавэнергозоратор" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ 10 даража илиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 27 январь кuni ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга чўшиб бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 0-2, кундузи - 8-

### ЎЙИНЛАР САНАСИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан жорий йилги мавсумга қўрға ташланганидан мухлисларнинг хабари бор.

Яқинда бошланган чемпионат учрашувлари саналари маълум қилинди. Унга кўра олий лига жамоалари мамлакат XXVI миллий чемпионатининг 1-тур баҳсларини 3-4 март кунлари ўтказишди. 3 март санасида 3 та ўйин бўлиб ўтса, қолган учрашувлар 4 март кунига белгиланган. 3 март кuni "Локомотив" сафарда "Машъал" жамоаси мейхони бўлса, "Пахтакор" ўз майдонидан "Кизилқум" жамоасини қабул қилади. Шунингдек, шу кuni "Металлург" ва "Динамо" ўртасидаги учрашув ҳам мухлисларни бефарқ қолдирмайди. Қолган баҳслар 4 март

кунига белгиланган. Унда қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашади. "Шўртан" — "Нефтчи", "Навбахор" — "Обод", "Кўкун-1912" — "Насаф", "Бухоро" — "Олмалик", "Бунёдкор" — "Сўғдиёна", 2-тур. 8 март (чоршанба) "Локомотив" — "Сўғдиёна", "Динамо" — Шўртан", "Нефтчи" — "Пахтакор" 9 март. (пайшанба) Олмалик — "Бунёдкор", "Насаф" — "Бухоро", 10 март (жума) "Машъал" — "Металлург", "Кизилқум" — "Навбахор", "Обод" — "Кўкун-1912".

### РАҚИБЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

2018 йилнинг 7-22 апрель кунлари Иорданияда футбол бўйича аёллар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтишидан мухлисларнинг хабари бор.

Аввалги ҳафтада Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан футбол бўйича аёллар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионати саралаш баҳсларига қўрға ташланди. Қўрғага кўра Ўзбекистон аёллар терма жамоаси "В" гуру-

ҳидан ўрин эгаллади. Энди аёлларимиз саралаш баҳсларида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Гонконг ва КХДР терма жамоасига қарши голиблик учун кураш олиб боришади. Дарвоқе, Осиё чемпионати финал босқичининг 4 та иштирокчиси

маълум. Яъни Иордания, Япония, Австралия, Хитой терма жамоалари Осиё чемпионатида иштирок этишади. Гуруҳларда биринчи ўринни эгаллаган жамоалар қўрға биринчилигида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишади.

### ФУТЗАЛЧИЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛИШАДИ

Таиланд мамлакати 9-21 май кунлари футбол бўйича 20 ёшли футзалчилар ўртасида илк марта ташкил этиладиган Осиё чемпионатига мезбонлик қилади.

Ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этишни режалаштирган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўқув-машғулот йиғинларига жиддий эътибор қаратмоқда. Испаниялик мутахассис Хосе Мария Мендес бош мураббийлик қиладиган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси январь ойи охирида Тошкент терма жамоасига

қарши ўртоқлик учрашувида куч синашиши ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Кун кеча тарқалган янги хабарга кўра апрель ойининг сўнгги ҳафтасида Тошкентда Ўзбекистон ҳамда Эрон терма жамоалари ўртасида назорат-ўртоқлик ўйини бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ